

**БЛОГГИНГ ҲАВФСИЗЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШ ВА ИНТЕРНЕТДА  
ДАҲЛСИЗЛИККА ЭРИШИШ  
ОСОНДИР**

## Введение

**Б**угунги кунга қадар блогларнинг даҳлсизлиги ва ҳавфсизлигини таъминлаш борасида бир неча қўлланма ва йўриқнома чоп этилган бўлса-да, neweurasia ва Transitions On-line ташкилотлари, бу борада, аноним равишда блог юритишни истаган инсонларга содда маслаҳатларни таклиф қилишга ҳаракат қилмоқда.

Афсус, блог даҳлсизлиги ва блоггер ҳавфсизлигини 100 фоизга таъминлайдиган ҳеч қандай восита йўқдир, бироқ, ҳар бир инсон ўз ҳавфсизлигини таъминлаш борасида бир қанча нисбатан содда ҳаракатларни амалга ошириши, ва бу орқали, ҳавф даражасини камайтириши мумкин.

Бу қисқа қўлланма, сиз ўз фикрларингизни, турли салбий оқибатлардан қўрқмаган ҳолда, тарқатишингиз имкониятини яратишга қаратилган. Бу қўлланма техник соҳада катта тажрибага эга бўлмаган ва но-эркин мамлакатларда фаолият кўрсатаётган инсонлар учун махсус тайёрланган. Шунинг учун, бу қўлланмада келтирилган маслаҳатларни ҳаётга тadbиқ этиш учун техник маълумотга эга бўлишингиз талаб этилмайди. Анонимликни сақлашнинг бир неча даражаси бўлиб, ҳар бир инсон ўзига тўғри келадиган анонимлик даражаси мустақил равишда танлаши даркор.

Берт, бу қўлланмани ёзган инсон, информацион технологиялар бўйича маслаҳатчидир ва, у шахсий даҳлсизликни таъминлаш борасида катта тажрибага эга. Агар сизда қўшимча саволлар бўлса, Бертага мурожаат қилишингиз мумкин ([tech@neweurasia.net](mailto:tech@neweurasia.net)).

## Асослар

### Қуйидагиларни унутманг!

**И**лк ўлароқ, сиз он-лайн режимда чоп этадиган барча материаллар – дунёнинг исталган қисмида топилиши мумкин бўлганлиги сабабли – учинчи шахслар тарафидан ўҚИЛАДИ. Сиз эълон қиладиган ўз фикр-мулоҳазаларингизни баъзилар хуш кўриши мумкин, бошқалар эса, сизнинг фикрларингизга қўшилмаслиги мумкин, яна бошқалар сизнинг фикрларингизни умуман ёқтирмаслиги ва бу сабабли сизга нисбатан тазьйқ қўллаши мумкин. Баъзи мамлакатларда блоггерлар ҳаттоки, қамоқ жазосига ҳукм қилинади (<http://www.global-voicesonline.org/help-these-bloggers/>). Ҳар бир мамлакат блоглар борасида турли сиёсат олиб боради, ва шунинг учун, фаолият олиб бораётган мамлакатнинг бу борада сиёсатини билиб олишингиз даркор.

Шунинг учун...

Тахаллуслардан фойдаланинг  
Он-лайн фаолиятингиз учун тахаллустанланг.  
Қандай хабар ёки маълумот ёзишингиздан қатъий назар, ҳақиқий исмингиздан фойдаланманг, маслак, манзилингиз ва шу каби шахсий маълумотни билдириб қўйманг. Мадомики, бошқа инсонларга блог юритаётганингизни айтсангиз, блогни қандай тахаллус остида юритаётганингизни айтманг.

### Аноним электрон почта манзилидан фойдаланинг

Сизнинг номингизга очилган электрон почта манзилларидан фойдаланманг. Сизнинг Интернет провайдерингиз таклиф қиладиган электрон почта хизматларидан

фойдаланманг, чунки, сизни, Интернет провайдерингиз сиз ҳақингизда сақлайдиган маълумот орқали осонликча топиш мумкин бўлади. Бунинг ўрнига, мамлакатингиз ташқарисида жойлашган вэб-мэйл электрон почта хизматларидан фойдаланинг.

Бугунги кунда, кўплаб вэб-мэйл электрон почта хизматлари мавжуддир. MSN Hotmail ва Yahoo! электрон почта хизматларидан фойдаланмасликка ҳаракат қилинг, чунки бу икки электрон почта хизмати репрессив ҳукуматлар билан ҳамкорлик қилиб келади. Googlening Gmail электрон почта хизмати нисбий анонимлик даражасини таъминлайди, чунки бу хизматда электрон почта очиш учун шахсий маълумот киритиш талаб этилмайди. Бунинг учун фақат, таклифнома керак бўлади, ва керак бўлса, бизда юзлаб таклифномалар бор, шунинг учун, иккиланмасдан, бизга ёзинг ва биз сизга таклифнома юборамиз.

Янги электрон почта манзилини очаётганингизда, ҳақиқий исмингиз, манзилингиз ва шу каби маълумотни берманг.

**Уйда ёзинг, омавий жойларда чоп этинг**  
Ўз мақолаларингизни уйда, сизга ҳеч ким ҳалал бермайдиган шароитда ёзиб олинг – яъни, сизнинг ёнингизда ҳеч ким бўлмаслиги ва компьютерингиз интернетга уланмаган бўлиши даркор. Мақолани ёзиб бўлганингиздан сўнг, уни флэш-драйв ёки дискетага ёзиб олинг ва маҳаллий Интернет кафега ёки компьютер бор оммавий жойга бориб, мақолани блогга юкланг.

Эътибор беринг, биз “кафе” ва бошқа “оммавий жойлар” деяпмиз. Ҳеч қачон айна кафедан мунтазам фойдаланманг. Ён-атрофдаги турли кафеларга кириб кўринг ва бир жойдан икки карра мақола юкломанг.

Бундан ташқари, Интернет кафелар, ўз харидорларини қайд этади, шунинг учун, Интернет кафега, одам гавжум бўлган вақтда боринг.

### **Мақолаларингизни сақламанг**

Блогда қандай мақолалар чоп этишингиздан қатъий назар, мақолаларингизни компьютерингиз винчестерида сақламанг. Ҳар қандай маълумот ҳаттоки ўчирилгандан сўнг ҳам қайта тикланиши мумкин. Бундай мақолаларни сақлаш учун дискета ёки флэш-драйвлардан фойдаланинг, чунки уларни, керак бўлса, осонликча синдириш мумкин.

Мамлакат ташқарисида жойлашган блог хостинг хизматидан фойдаланинг  
Ўз фикрларингизни интернетда эълон қилишнинг турли усуллари мавжуд. Сиз ўз фикрларингизни мустақил равишда ҳеч қандай муаммосиз эълон қилиш имкониятига эга бўлишингиз даркор.

Блог яратиш учун, сизнинг мамлакатингиз ташқарисида жойлашган блог хостинг хизматларини танланг. Бу орқали, марказий ҳокимият вакиллари сизнинг блогингизни ёпиб ташлашининг олдини олиш мумкин бўлади ва ўз шахсий ҳавфсизлигингизни таъминлашингиз мумкин бўлади. Блогни қайд этиш учун, фойдаланувчи исми ва парольдан бошқа маълумот талаб этмайдиган блог хизматларини танланг.

### **Паролингизни алмаштиринг**

Он-лайн хизматларидан фойдаланиш учун қўллайдиган парольларингизни, кам деганда, уч ойда бир янгилаб туринг. Сифатли пароль, кам деганда, саккиз символдан – катта ва кичик ҳарфлар ва сонлар - иборат бўлиши кераклигини унутманг. Масалан: Khg7CK8f

## Интернет провайдери, IP манзил, ва прокси

Интернетга уланган ҳар қандай компьютер ўз идентификацион рақамига эга бўлади ва бундай рақам IP манзил деб номланади. Интернет провайдери орқали интернетга уланар экансиз, ҳар бир провайдер сизга вақтинчалик ёки ярим-собиқ IP манзилни беради. Бу манзил орқали, сизнинг Интернет провайдерингиз сиз кирадиган барча веб-саҳифаларни кўриши мумкин бўлади, бироқ, бундай вазият ҳар қандай мамлакатда ҳам юз бермайди.

Қандай вэб саҳифага киришингиздан қатъий назар, сизнинг IP манзилингиз бу саҳифада қайд этилади. Агар, сизнинг провайдерингиз сиз кирган вэб саҳифаларни IP манзилингиз орқали билиб олиши мумкинлигидан андиша қилаётган бўлсангиз, IP манзилингизни турли усуллар билан сирда сақлашингиз мумкин.

Бундай усуллардан энг соддаси, юқорида тилга олинган бўлиб, блогга мақолаларни юклаш учун турли оммавий жойлардан фойдаланишни назарда тутати. Бироқ, сиз блок қилинган вэб саҳифаларга уй компьютерингиз орқали кирмоқчи бўлсангиз, сиз нисбатан содда технология бўлмиш прокси серверлар ([http://en.wikipedia.org/wiki/Anonymous\\_proxy](http://en.wikipedia.org/wiki/Anonymous_proxy)) ёки нисбатан мураккаб технологиялар, масалан уст тизимдан ([http://en.wikipedia.org/wiki/Opion\\_routing](http://en.wikipedia.org/wiki/Opion_routing)) фойдаланишингиз мумкин. Бундай технологияларнинг ижобий ва салбий тарафлари борасида маълумот Чегара Билмас Мухбирлар ташкилотининг вэб саҳифасида жойлаштирилгандир ([http://www.rsf.org/article.php3?id\\_article=15013](http://www.rsf.org/article.php3?id_article=15013)).

## Линк ва қўшимча маълумот манбалари

Интернет ҳавфсизлиги масаласига бағишланган кўплаб қўшимча маълумотлар мавжуд бўлиб, бундай манбаларда блогнинг даҳлсизлигини таъминлаш борасида кўп фойдали маълумот келтирилгандир.

**Википедия:** “Интернет даҳлсизлиги” ([http://en.wikipedia.org/wiki/Internet\\_privacy](http://en.wikipedia.org/wiki/Internet_privacy))

**Электрон Чегара Ташкоти:** “Блог ҳавфсизлигини таъминлаш (Ҳавфсизлик ва бошқа масалалар ҳақида)” (<http://www.eff.org/Privacy/Anonymity/blog-anonymously.php>)

**Чегара Билмас Мухбирлар:** “Блоггерлар йўриқномаси” ([http://www.rsf.org/article.php3?id\\_article=17625](http://www.rsf.org/article.php3?id_article=17625))

“Электрон почта ҳавфсизлигини таъминлаш” ([http://www.rsf.org/article.php3?id\\_article=15014](http://www.rsf.org/article.php3?id_article=15014))

“Блогни аноним равишда бошқариш” ([http://www.rsf.org/article.php3?id\\_article=15012](http://www.rsf.org/article.php3?id_article=15012))

“Цензурани кечиб ўтиш техник усуллари” ([http://www.rsf.org/article.php3?id\\_article=15013](http://www.rsf.org/article.php3?id_article=15013))

БУ ҚЎЛЛАНМА ҚУЙИДАГИЛАР ТАРАФИДАН ТАЙЁРЛАНГАН, ТАҲРИР ВА ЧОП ЭТИЛГАН:

Transitions Online ([www.tol.cz](http://www.tol.cz) - [info@tol.cz](mailto:info@tol.cz))  
neweurasia ([www.neweurasia.net](http://www.neweurasia.net) - [info@neweurasia.net](mailto:info@neweurasia.net))